

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****407 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 173-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2014 йил 1 августдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган назорат-касса машиналари моделларини назорат-касса машиналари давлат реестрига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 173, 1995 йил 14 сентябрь) қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан 2012 йил 28 декабрдаги 1-6-1056/8-сонли тақдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан 2014 йил 2 июлдаги 04-11860-сонли мурожаати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Назорат-касса машиналарини жорий қилиш бўйича давлат идоралараро комиссиясининг 1995 йил 30 августдаги баёни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган назорат-касса машиналари моделларини назорат-касса машиналари давлат реестрига киритиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 173, 1995 йил 14 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда бу ҳақда Идо-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

32 (636)-сон

— 127 —

407-408-моддалар

равий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) мазкур буйруқнинг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 август,
200-мҳ-сон